

## ***КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ КЎНИКМАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ***

**Таҳлил мақсади** Тиббий педагогика факультетида мутахассислик (педагогик) фанларни ўқитишни ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати;

мутахассислик фанларини ўқитишда таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талабалари, ўқув режа ва фан дастурларига мос равишда ташкил этилганлиги, меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлиги ва улардаги талабларга жавоб бериши;

илмий фаолият ва адабиётлар билан таъминланганлик ҳолати;

факультетда мутахассислик фанлари ўқитувчилари томонидан амалга оширилаётган маънавий ва маърифат ишлари;

**Мутахассислик (педагогик) фанларни ўқитишдан мақсад**

Касбий назарий билимларни амалиётда қўллай олиш куникмасини шакиллантиради;

ўқитиш, тарбиялашнинг концептуал асосларини шакиллантиради;

таълим субъектларининг шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари, ҳиссий-эмоционал ҳолатлари, ички регуляцияси, билиш жараёнлари қонуниятлари билан қуроллантиради;

психологик билимдонликни, зийраклик ва этикетни шакиллантиради;

самарали мулоқот ўрнатиш маданияти, педагогик мулоқот, мулоқотда самарали таъсир кўрсатиш малакасини шакиллантиради;

Мутахассислик фанларини ўқитишни яхшилаш учун истиқбол режалар:

**Ўқув ва ўқув услубий ишлари:** Кафедрада мавжуд фанлар бўйича маъруза ва амалий машғулотларни олиб бориш самарадорлигини ошириш; Касбий таълим услубиёти фан дастурини қайта кўриб чиқиш ва мазмунан бойитиш;

умумий психология фанини ТТАнинг барча йўналишларида ўқитишни таълим жараёнига киритиш таклифини асосномасини тайёрлаш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таклиф билан чиқиш;

педагогика психология фанидан ЯН оғзаки шаклига ўтказиш;

ТТА Термиз филиали Педагогика кафедраси билан ҳамкорликда интеграл маърузалар ташкил этиш;

2019-2020 ўқув йилида кафедранинг бир нафар ходимини чет элга малака оширишга жўнатиш.

**Илмий- тадқиқот ишлари:** Кафедрада мавжуд фанлар бўйича маъруза ва амалий машғулотларни олиб бориш самарадорлигини ошириш;

касбий таълим услубиёти фан дастурини қайта кўриб чиқиш ва мазмунан бойитиш;

2019-2020 ўқув йилида кафедранинг бир нафар ходимини чет элга малака оширишга жўнатиш

**“Устоз-шогирд” ишлари:** ТТА нинг “Ёшлар билан ишлаш” бўлими ҳамда тиббий-педагогика факультетининг маънавий-маърифий режалари асосида мантазам равишда тадбирлар, давра суҳбати, тренинглар, психологик суҳбатлар ташкил этиш;

Педагогика ва психология кафедраси қошида “Психологик хизмат кўрсатиш” маркази ташкил этиш;

Оммавий ахборот воситаларида таълим соҳасидаги муаммолар, долзарб масалалар юзасидан чиқишлар қилиш

### **Касбий таълим йўналишида педагогик фаолият кўникмаларини ўзлаштиришда таклифлар**

Жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда бўлажак педагог-шифокорларнинг касбий компитентлигини оширишга бевосита таъсир кўрсатувчи, тиббий-педагогик фаолият кўникмаларини ривожлантирувчи фанларни таълим тизимида жорий этиш (психодиагностика, ижтимоий психология, ижтимоий педагогика);

Педагогик фаолият кўникмаларини шакллантириш учун лаборатория машғулотларини касбий таълим йўналишида жорий этиш;

Педагогик амалиёт учун ажратилган соатларни қайта кўриб чиқиш ва педагогик амалиёт объектларини нафақат касб-ҳунар коллежларида балки бугунги кундаги таълимдаги янги ислоҳатлар натижасида ОТМ лар қошида ташкил этиладиган техникумларда ҳам ташкил этишни йўлга қўйиш

Таълимдаги янги ислоҳатлар натижасида тиббий-педагогик таълимнинг сўнгги босқичларида 5+1 тизими бўйича хафтанинг бир куни педагогик амалиёт объектларида педагогик фаолиятга оид кўникма ва малакаларни шакллантиришни йўлга қўйиш;

Касбий таълим йўналишида таълимнинг сўнгги босқичидаги Давлат аттестациясини оғзаки назорат шаклида амалга ошириш билан биргаликда битирув малакавий ишларни иқтидорли талабаларнинг ихтиёрий танлови асосида тайёрлашни жорий этиш;

Магистратура босқичини тамомлаган мутахассислар ОТМларда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлганлиги учун магистрлар диссертацияларига методикага оид режаларни киритиш ва диссертациянинг ана шу қисмига педагог-психолог мутахассислар маъсуллигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.